

Дубайда Қуръони карим кўргазмаси бўлиб ўтмоқда



15:40 / 10.04.2019 2176

Мадина Ислон университети ташаббуси билан Дубай халқаро Қуръон институти 36-китоб ва медиа кўргазмасини ўтказмоқда, деб хабар беради Ал-Аҳрам ахборот сайти.

Кўргазмада Қуръон институти томонидан 7 та янги ном остида Қуръони карим ва Расулulloҳ соллаллоҳи алайҳи васалламнинг суннатлари йўналишада олиб борилган тадқиқотлар намуналари намойиш этилмоқда. Ташкилий қўмита раиси Иброҳим Муҳаммад Бумельенинг маълум қилишича, кўргазмани ташкил қилишдан мақсад устоз ва талабаларни Қуръони карим илмлари, суннат ва шаръий илмлар соҳасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор қилишдан иборат. Кўргазмада турли давлатлардан келган 200 та маданият ташкилотлари ва нашриётлар

иштирок этмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти